30 11 98

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 17 октябрь шанба

Сотувда эркин нархда
№ 206 (1987)

## АМАЛИЙ МУЛОҚОТЛАР

**АШХОБОД. 16 октябрь. (ЎзА махсус мухбири Фарҳод Арзиев хабар қилади)**

Бугун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан Туркманистонга келди. Ашхобод аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов кутиб олди.

Президентимиз Туркманистон пойтахтида 1948 йилда юз берган зилзила оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар хотирасига тикланган ёдгорликни зиёрат қилди. Ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди. Шунингдек, икки давлат Президентлари Ашхобод марказида қуриб битказилаётган масжид биносини кўздан кечирдилар.

Туркманистон президенти саройи — Туркманбоши кўшкида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Сўнгра икки давлат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бошланди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи, минтақавий хавфсизлик, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Шу ернинг ўзида Президентлар журналистлар учун қисқача интервью бердилар.

Куннинг иккинчи ярмида Туркманбоши кўшкида Президентлар мулоқоти давом этди.

Шу куни Президент Ислом Каримовнинг Туркманистонга амалий ташрифи ниҳоясига етди.

**(ЎзА)**








*Шаҳрихон шаҳрида бир йилдан буён «Ривож-Тяньжин» ўзбек-хитой қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Мазкур қўшма корхонанинг асосий мақсади республикамизда кенг кўламда олиб борилаётган қурилишларни юқори сифатли пайвандлаш электродлари билан таъминлашдир. Айни пайтда кунига 25-30 тонна сифатли, харидоргир пайвандлаш электродлари ишлаб чиқарилмоқда.*

*Қўшма корхона ишга тушгандан буён 160 дан зиёд ишчи ўринлари ташкил этилди. Шу кунгача 794 тонна, яъни 119 миллион 700 минг сўмлик сифатли пайвандлаш электродлари ишлаб чиқарилди. Маҳсулотларнинг 30 фоизини экспортга йўналтириш кўзда тутилган. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар учун зарур бўлган хомашёнинг 40 фоизи республикамизда мавжуд.*

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона иш фаолиятидан лавҳалар.

**Ш. ОЛИМОВ, Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

***Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллаб, ўзига хос, ўзига мос йўлдан дадил бормоқда. Истиқлолдан кейин ўтган етти йилни ўнлаб йилларга қиёслаш мумкин. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг маънавий-мафкуравий асарлар тўплами — “Ўзбекистон буюк келажак сари” китобида мамлакатимиз халқи ҳаётидаги бу улкан ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, Ватанимизнинг яқин келажакдаги ўрни ва роли ҳақида аниқ, дадил, доно фикрлар ўртага ташланган.***

## “ЎЗБЕКИСТОН БУЮК КЕЛАЖАК САРИ”

Давлат матбуот қўмитасининг “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган ушбу китобдан Президентимизнинг истиқлолдан кейинги энг долзарб мавзулардаги кўпчилик томонидан холисона баҳоланган асарлари ўрин олган.




“Чуқур ўзгаришлар бизнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб бормоқда, — деб таъкидлайди муаллиф. — Содир бўлаётган туб силжишлар дунёнинг ҳозирги қиёфасини ўзгартириб юбормоқда. Халқларнинг озодлик, мустақиллик ва бахт-саодатга азалий интилиши, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму қарори мана шундай ўзгартиришларни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Ўзбекистон чинакам мустақилликка эришиш мақсадини биринчилар қатори билдирганлигини жонажон ўлкамиз учун фахр-ифтихор туйғуси билан қайд этиб ўтиш керак”.

Ўтган қисқа даврда йўлбошчимиз олиб бораётган оқилона изчил сиёсат нақадар тўғрилиги амалда ўз ифодасини топди. Эндиликда бошқа кўпгина МДҲ давлатлари Ўзбекистон тажрибасини, юртбошимиз ўз асарларида аниқ кўрсатиб берган йўлни ўзларида амалга оширмоқдалар.

Китоб тўрт бобдан иборат бўлиб, унда Ислом Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” сингари асарлари жамланган.

Тўпламни мутолаа қилган китобхон ўзини анчадан бери ўйлантираётган кўпгина саволларга аниқ жавоб топа олади. Уларда буюк келажак сари дадил олға бораётган мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, чинакам ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишнинг ўзига хос тамойиллари ҳамда туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислоҳотларни изчил амалга ошириш асосида Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашини таъминлаш борасидаги долзарб масалалар баён этиб берилган.

Муаллиф китоб хулосасида шундай савол қўяди: “Китоб устидаги ишни охирига етказгач, унинг мазмунини фикран кўз олдимга келтириб, умумлаштириб, яна ўзимга-ўзим савол бераман: “Шу мавзуга мурожаат қилиш зарур эдими, бугун Ўзбекистон ва у билан бирга Марказий Осиё минтақасидаги бошқа давлатлар кечираётган мураккаб, ғоят кескин муаммолар — хавфсизлик, ривожланишни таъминлаш, барқарорлик, собитқадамлик муаммолари ҳақида гапириш зарурати борми?

Ишончим комилки, бунга зарурат бор”.

Дарҳақиқат, шундай. Бундай китоб ҳар бир хонадонда, ҳар бир раҳбарнинг иш столида, кутубхонада, талабанинг қўлида бўлиши зарур. У Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга ўз ҳиссасини қўшишга жазм қилган, фидойи, жонкуяр ва ватанпарвар инсонлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Президентимиз китобда таъкидлаганларидек, “Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорлик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорлик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш — бизнинг фуқаролик бурчимиздир”.

**(ЎзА)**

**Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги олдидан**

## ТАЙЁРГАРЛИК НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

Мамлакатимизда буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллуд тўйига саноқли кунлар қолди. Байрамнинг асосий тантаналари ўтадиган Фарғона ва Қувада бу қутлуғ санага тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Фарғона шаҳридаги аллома номи билан аталувчи оромгоҳнинг бош майдонида улуғ бобокалонимизнинг салобатли ҳайкали қад кўтарди. Миллий ҳунармандлик мактаби ўймакорлик санъатининг ноёб анъаналари асосида тикланган улуғвор устунлар кўкка бўй чўзди. Майдонда ўн бир фаввора бир-бирига уйғун равишда сув сочиб, бу улкан гулшанга алоҳида кўрк ва чирой бағишлайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков бошчилигидаги гуруҳ 16 октябрь куни мазкур мажмуада олиб борилаётган сўнгги тайёргарлик билан танишди. Бу ерда меҳнат қилаётган қурувчилар, усталар, таъмирловчилар билан суҳбатлашдилар. Бажарилган катта бунёдкорлик ишларидан мамнуният изҳор этиб, йўл қўйилган айрим нуқсонларни бартараф қилиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар. Шунингдек, улар Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссасини акс эттирувчи театрлаштирилган томошалар қандай ижро этилиши билан танишдилар.

Ташкилий қўмита аъзолари Қува шаҳристонида ҳам бўлиб, бу ерда байрам муносабати билан олиб борилаётган сўнгги тайёргарлик ишларини кўздан кечирдилар.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов, Фарғона вилояти ҳокими Н.Мўминов қатнашди.

**(ЎзА)**

## ОНА ЮРТ КЎЗГУСИ

### “ТОШКЕНТ, МЕНИ КЎРАЯПСИЗМИ?”

Самарқанд шаҳрида Япониянинг “НИК” фирмаси билан ҳамкорликда 15 минг абонентга мўлжалланган янги, замонавий телефон станцияси ишга туширилди. Бу билан шаҳардаги халқаро талабларга жавоб берадиган телефон нуқталари сони 40 мингтага яқинлашиб қолди.

— Германиянинг “Сименс” ва бошқа илғор компаниялар билан ҳамкорликда яна 40 минг номерли телефон линияларини ҳам яқин ўртада қайта таъмирлаймиз, — дейди “Самарқанд телеком” вилоят корхонаси бош директори Ҳикмат Ҳакимов, — бунинг учун барча ташкилий чоралар кўрилган.

Дарвоқе, алоқачилар Самарқанд шаҳри кунига яна бир совға ҳозирладилар. Осиё-Европа оптик толали ва алоқа линияси қурилиши режасига кўра Самарқанд ва Тошкент шаҳарларини боғловчи телефон линияси ишга туширилди.

Энди қадимий шаҳар аҳолиси нафақат сифатли сўзлашиш, балки суҳбатдоши билан кўришиб туриш имкониятига ҳам эга бўлди. Бунинг учун уйингиз ёки ишхонангизда ўрнатилган телефон аппарати ёнида видеокамера бўлса бас. Ҳозирча бундай алоқа воситаси расмий муносабатлар учун синовдан ўтмоқда.

**Ф. ТОШЕВ.**

### ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Андижондаги “Тожметалл” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти Буюк Ипак йўлини қайта тиклаётган Камчиқ довони қурувчилари буюртмасига мувофиқ йўл белгилари ҳамда улар учун конструкциялар етказиб бермоқда. Бу ерда, шунингдек, йўл чеккаларидаги ариқлар, бошқа сув тармоқларини бетон қопламалар билан мустаҳкамлашда ишлатиладиган металл қолиплар ва мосламалар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Пахта тозалаш саноати учун дастгоҳлар, асбоб-ускуналар ва уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхонанинг изланувчан жамоаси асосий маҳсулотни янада такомиллаштириш билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги учун янги агрегатлар, мослама ва машиналар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқда.

**К.НОЗИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

### АЗИЗОВЛАР ОИЛАСИ ҒОЛИБ

Мамлакатимизда ҳар йили давлат муассасалари, касаба уюшмалари қўмиталари ходимлари ўртасида “Отам, онам ва мен” спорт мусобақаларини ўтказиш анъанатусини олиб келаётир. Дарвоқе, бу тадбир «Оила йили»да ўзгача мазмун кашф этди. “Отам, онам ва мен” спорт мусобақасининг VII спартакиадаси туман, вилоят ва республика миқёсида босқичма-босқич олиб борилади. Ана шу беллашувларнинг туман ва вилоят босқичларида деновлик Тошмурод Азизовлар оиласи ғолиб чиққан эди. Бу оила аъзолари яқинда Тошкент шаҳридаги “Семурғ” оромгоҳида республика спартакиадасида иштирок этиб қайтишди. Спартакиадада улар спортнинг мужассамлашган кўп қиррали элементлари бўйича 6 турда баҳсга тушдилар. Кросс бўйича 16 та жамоа ўртасида Азизовлар оиласи ғолиб бўлди.

**З. МАМАЖОНОВ,**
**Сурхондарё вилояти.**

### ХОРИЖИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ҚЎЛ КЕЛДИ

Оҳангарон қурилиш пластмасса материаллари ҳиссадорлик жамиятида германиялик ҳамкорлар ёрдамида умумий қиймати 18 миллион дойч маркалик янги ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди. Мазкур замонавий технология йилига 22 миллион квадрат метр ҳажмида плёнка тайёрлаш, ундан бир неча турда қурилишбоп материаллар ишлаб чиқариш имконини беради. Дастлабки маҳсулот буюртмачиларга ғоят манзур бўлди.

**Н.ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

### ҚИШЛОҚ ЙЎЛЛАРИ ҲАМ РАВОН БЎЛАДИ

Бекобод туманидаги Турғунали Ғозиев раҳбарлик қилаётган автомобиль йўллари бошқармаси меҳнат жамоаси амалга ошираётган ишлардан транспорт ходимлари, қишлоқ аҳли ниҳоятда мамнун бўлишмоқда. “Тошкент — Бекобод” трассасида кенг кўламли ишлар бажарилди. Қишлоқ йўлларига эса асфальт ётқизилмоқда.

Бошқарманинг Турсунали Холматов бош бўлган 364-йўл бўлими ишчилари ҳам ғайрат билан ишлашмоқда. Улар ҳозирда “Тўқбой-Наймон-Қиёт” йўналишидаги таъмирлаш ишларини бажариб бўлишди. Айни вақтда 5 чақирим масофадаги йўлда транспортлар қатнови янада яхшиланди.

**Т.УСМОНОВ.**

## ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ТЎҒРИСИДА МАЪРУЗА

***“Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. Ўзбекистон — 1998” ҳисоботномасининг чоп этилиши муносабати билан БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида журналистлар учун брифинг бўлиб ўтди. Уни БМТнинг мамлакатимиздаги доимий вакили П. Крал бошқарди.***

Мазкур нашр Ўзбекистон ҳукумати ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида тайёрланган.

1990 йилдан буён БМТнинг Тараққиёт дастури ҳомийлигида кўплаб мамлакатларда Инсон тараққиёти тўғрисида миллий ҳамда умумжаҳон маърузалари тайёрлаб келинади. Ўзбекистонда бу анъана 1995 йилда бошланган. Мамлакатимиз ҳукумати ўтказаётган сиёсатни инсон тараққиёти тамойиллари нуқтаи назаридан таҳлил этиш, уни аҳоли турмуш тарзига татбиқ қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш, ечиш ва бу борадаги ишларни фаоллаштириш мазкур маърузаларнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳолини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, болалар ва ўсмирларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳукумат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Брифингда ҳисобот ҳақида сўз кетар экан, ана шу жиҳатлар алоҳида таъкидланди. Бу йилги маъруза ўтиш даврида давлатнинг демократик, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар ўтказишдаги аҳамиятини таҳлил қилишга қаратилгани қайд этилди.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи Г. Саидова, ижтимоий таъминот вазири Б. Умурзоқов иштирок этди.

**(ЎзА)**

*«ОБУНА-99»*

## ЯҚИН СУҲБАТДОШ



***Ҳамма буюк ишлар, улкан қурилишлар, яратувчанлик, ризққа тўла далаларимизда тоғ-тоғ хирмон бунёд этиш, албатта, Сиз озод замондошимиз туфайлидир. Шу боис мамлакатимизнинг энг йирик нашрларидан бири «Халқ сўзи» саҳифаларида асосий мавзу — Инсон бўлиб қолади. Яъни, Сизнинг манфаатларингиз, уй-орзуларингиз олиб чиқилади.***

**«Халқ сўзи» халқники. Унинг маънавияти, қадр-қиммати ифодаланади бунда. Ҳар қандай тўқималардан холи, мавҳум ва сароб фикрлардан холис суҳбатдош истасангиз, юртимизнинг келажаги, Ватанимизнинг ҳамма йўналишлар бўйича ўсиб ва улғайиб бораётганидан воқиф бўлишни хоҳласангиз, «Халқ сўзи» газетаси билан бирга бўлинг.**

**Элимиз дастурхонининг тўкинлиги, Ватанимиз камолоти учун тиниб-тинчимаётган фидойи раҳбарлар, элим деб, юртим деб, ёниб яшаётган ҳар бир Инсоннинг хизмати «Халқ сўзи» газетасида мунтазам ёритилади.**

**Азизлар, обуна мавсуми давом этмоқда. 1999 йилимизда рўй беражак воқеалар ҳар биримизнинг тақдиримиз билан бевосита чамбарчас кечади, албатта.**

**Ҳаётнинг ўзига яраша янгиликлари, турли-туман воқеаларини бағрига олиб янги кун бошланади. Тонг отади. Ана шу беғубор, сокин тонг нафаси, кайфияти заминни тарк этмай туриб, тафсилотлар эшигини очган «Халқ сўзи»ни қўлга оласиз. Фикрингизни чархлайсиз.**

**Маънавий чанқоқлик ҳовури босилади. Бу ҳеч нарса билан ўлчанмайдиган давлат. Шу давлатдан бебаҳра қолишни истамаган юртдошларимизга эса нашр кўрсаткичларимизни эслатиб ўтамиз:**

**Нашр кўрсаткичи:** якка газетхонлар учун — **166**; ташкилотлар учун — **167**

| Обуна нархи: | 1 ойга П/қ; | манзил | 6 ойга П/қ; | манзил | йиллик П/қ; | манзил |
|---|---|---|---|---|---|---|
| - якка шахслар учун | 287 | 335 | 1.772 | 2.010 | 3.444 | 4.020 |
| - ташкилотлар учун | 963 | 1.170 | 5.778 | 7.020 | 11.556 | 14.040 |

### ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

БМТ “Гендер ва тараққиёт” дастури бюроси ва республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳомийлигида амалга оширила бошлаган ижтимоий лойиҳа “Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар ва гендер муносабатлари” деб аталади.

Лойиҳа доирасида ўтказилган тадқиқотлар ҳозирги вақтда хотин-қизларнинг иш билан банд бўлиш, оила фаровонлигини ошириш, билим олиш, бойликлардан фойдаланиш ва мол-мулкка эгалик қилиш каби соҳаларда ҳақиқий имкониятларини аниқлашга ёрдам беради. Айни пайтда хотин-қизлар рўзғор ишлари ва болаларни тарбиялаш билан шуғулланиб, миллий даромадга қўшаётган ҳиссаси ҳам эътиборга олинади.

Тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш чоғида олинган натижалар Ўзбекистонда гендер муносабатларининг аҳволи ва ривожланишини холисона тасвирлашга имкон беради.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Етиштирилган ҳосилни машиналар ёрдамида йиғиштириб олиш хўжаликка ҳам, деҳқонларга ҳам мўмай даромад келтириши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун Норин тумани пахтакорлари бунга алоҳида эътибор беришаяпти.

Норинликлар бу йил 7300 гектар майдонда пахта етиштиришди. Улар ҳосилнинг 70 фоизга яқинини машиналар ёрдамида саранжомлашни ният қилишган. Шу боис ғўзалар аввал бошданоқ машинабоп қилиб ўстирилди. 50дан ортиқ пахта териш машиналари мавсумга сифатли таъмирланди. Айни кунда улардан унумли фойдаланилаётганлиги боис теримда унум ҳамда сифатга эришилмоқда.








**Суратларда: туман ҳокими Ғ.Жабборов механизаторлар мусобақасининг ғолиби Абдуллажон Қўлдошевни табрикламоқда. У терган пахта шу кунгача 100 тоннадан ошиб кетди; машина терими қизғин.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## 18 ОКТЯБРЬ — ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

# АЗАЛИЙ ҚАРДОШ ЮРТ

### Озарбойжон халқи бу йил давлат Мустақиллигининг 7 йиллигини нишонлайди

Озарбойжон учун мустақилликнинг дастлабки йиллари анча оғир кечгани маълум. Бир неча йил давом этган сиёсий беқарорлик мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди.

Ҳокимият тепасига Ҳайдар Алиевдек тажрибали сиёсатчи келгач, талотўплар ҳовури тиниб, мамлакатда туб сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Қисқа вақт ичида Озарбойжон иқтисодий барқарорлик йўлига тушди.



Ўтган якшанба куни Озарбойжонда Президент сайлови бўлиб ўтди. Иштирокчиларнинг тўртдан уч фоизи катта ишонч билан Ҳайдар Алиевга овоз берди. Озарбойжон марказий сайлов комиссияси раиси Ориф Ҳусейновнинг маълум қилишича, сайловда турли халқаро ташкилотларнинг 200 дан ортиқ вакили кузатувчи сифатида қатнашган. Тадбир халқаро андозалар талабига мос тарзда, сайловчиларнинг тўлиқ фаоллигида ўтган.

Озарбойжон МДҲ мамлакатлари орасида иқтисодий салоҳияти юксак республикалардан биридир. Унинг ер ости заҳираларига бойлиги, саноати ва қишлоқ хўжалиги яхши ривожлангани бундай дейишга сабаб бўлади. Озарбойжон ёқилғи заҳираларига бойлиги билан дунёда олд ўринларда туради. Бироқ, тўрт йиллик бесарамжонлик ва сиёсий беқарорлик ана шу имкониятларни тўлиқ ишга солишга халал бериб келди. Фаровонликка эришиш учун эса, аввало, осойишталик зарур. Буни ҳозир ҳар бир озарбойжонлик теран англайди.

Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги алоқаларга тўхталадиган бўлсак, ўзаро муносабатларимиз узоқ даврга бориб тақалади. Қадимий Буюк ипак йўли орқали халқларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-маърифий алоқалар равнақ топган. Истиқлол туфайли икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар янгича руҳда ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида 1991 йилнинг ўзидаёқ давлатлараро муносабатларга асос солувчи бир неча муҳим ҳужжат имзоланган.

Икки томонлама муносабатлар тарихида давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1996 йилда Озарбойжонга буюрган расмий ташрифи муҳим ўрин тутади. Мазкур сафар асносида давлатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди. 1997 йилда эса Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Умуман икки давлат ўртасида 40 дан зиёд ҳужжат имзоланган. Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, ҳаво, автомобиль ва темир йўл алоқалари, солиқ, божхона, юк ташиш, сайёҳлик доирасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар шулар жумласидандир. Таъкидлаш жоизки, икки мамлакат ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири коммуникация соҳасидир. Айниқса, Трасека лойиҳасини амалга ошириш, яъни, Шарқ ва Ғарбни бир-бирига боғлайдиган йўлакни барпо қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар икки қардош мамлакатнинг иқтисодий муносабатларини янада ривожлантирмоқда. Бу борада 1996 йили Эроннинг Сарахс шаҳрида Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбойжон ва Грузия ўртасида имзоланган ҳужжат коммуникация соҳасидаги катта силжишлардан бири бўлди. Қолаверса, Марказий Осиё ҳамда Кавказорти мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти — ЭКО доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилаётир. Бунда Ўзбекистон билан Озарбойжон, шунингдек, ташкилотга аъзо бошқа мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ҳам коммуникация тармоқларини, савдо алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқдир.

Давлатимиз раҳбари Кавказорти Республикаларига ташрифи чоғида Ўзбекистон—Озарбойжон муносабатларининг мустаҳкамланишида халқаро Транскавказ йўлагининг барпо этилиши муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаган эди. Ислом Каримов ушбу масалага тўхталар экан, Ўзбекистон Боку портларини таъмирлаш учун сармоя киритишга тайёр эканини айтганди. Сабаби Ўзбекистоннинг Европага чиқиши учун Озарбойжон қулай воситадир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда «Электрон» «Кондиционер» ва «Елвин-М» сингари ўнлаб Ўзбекистон-Озарбойжон қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти электр жиҳозлари ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳамда савдо-сотиқ билан шуғулланади. Айни кунларда, яна иккита қўшма корхона очиш режалаштирилмоқда. «Ўзкимёсаноат» уюшмаси ва «Озарбойжонкимё» концерни, «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси ва «Озарнефткимёмаш» концерни ташаббуси билан барпо эилаётган мазкур корхоналар, асосан, плёнка, елим буюмлар ҳамда нефть-газ саноатида қўлланиладиган асбоб-ускуналар ишлаб чиқаради. Озарбойжонда эса ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда электр двигателлар таъмирлайдиган корхона қурилмоқда.

**Аброр ҚИЛИЧЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## БУХОРОДА БИРИНЧИ

***Вобкент тумани пахтакорлари Бухоро вилоятида биринчи бўлиб маррага етдилар. Қабул пунктларига 37,5 минг тоннадан зиёд “оқ олтин “ топширилди, гектар бошига ўртача ҳосилдорлик 32 центнерни ташкил этди.***

***Зафар маррасини эгаллашда М.Жўрабоев, Охунбобоев, И. Наимов, Р. Ҳусенов, Д. Бобоқулов номли жамоа хўжаликларининг улуши катта бўлди. Ушбу хўжаликларда ўртача ҳосилдорлик 35-40 центнерга етди. Ерлар оила пудратчиларига бўлиб берилганлиги муваффақият омилларидан бири бўлди.***

***Туман миришкорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ялпи ҳосилни 45 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.***

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

## ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

***Юқори Чирчиқ туманидаги “Гулистон” корпорациясининг Усмонобод агрофирмаси дала шийпонига тушлик чоғи “Лазги” ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари ташриф буюрди. Агрофирма аъзолари ва ҳашарчи теримчилар учун ташкил этилган бу концертда дилрабо куй ва қўшиқлар, шўх рақслар ижро этилди. Дала меҳнаткашлари уларга жўр бўлди.***

**Б. МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

### Хоразм далаларида

# ОТАБЕК ОҒА ВА БОШҚАЛАР

***Янгиариқ туманидаги “Гулистон” жамоа хўжалиги ўтган йили пахта, шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашда вилоятда охирги ўринлардан юқори кўтарила олмади. Иқтисодиётни жонлантириш учун узоқни кўзлаб тадбирлар кўрилмаганлиги, ишларда уюшқоқлик, сафарбарлик бўлмаганлиги, раис кетма-кет алмашаверганлиги сабабли шундай ҳолат юзага келган эди.***

Элдошларининг қувонч ва тавишларини ҳам, ернинг, техниканинг эҳтиёж ва заруриятларини ҳам ҳис қила оладиган ёш мутахассис Отабек Бекжонов катта умид билан хўжаликка раҳбарликка тайинланди.

Қишлокда раис эл-юрт ишончини оқласа, ғамхўрликни унутмаса, отадан улуғ. Ота деган сўз эса фақат улуғлик ифодаси эмас, катта масъулият юки ҳамдир. У буни чуқур англади. Ишни қиш чилласида техникага “иссиқ кўз” билан қарашдан бошлади. Ахир ҳадемай бошланиб кетадиган суриш, қазиш, текислаш ва экиш тадбирларига жон киритувчи техника воситаларисиз, минг гектардан зиёд майдонда деҳқончилик қилиб бўладими? Илгариги раҳбарларнинг бу борадаги ҳафсаласизликлари қимматга тушганлиги ҳаммага маълум-ку?

Деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган, турли зарур қисмларидан “жудо” этилган 13 та трактор ва бошқа техника воситалари янгидан бутланди. “Дарди оғирроқ” тракторлар эса вилоят техника устахоналарида таъмирланди. Хуллас, техника масъулиятли мавсумга барвақт шай қилинди.

Бир ёғи кўллар ва қумга туташ хўжаликнинг экин майдонларида шўрланиш кучли. Бу ерларда ариқ-зовурларни, коллекторларни тозалаш, қазиш ишларини ўз вақтида, сифатли ўтказиш деҳқончилик қилишнинг ҳаёт-мамот масалаларидан бирига айланган. Шу сабабли бу ишга йил бошидан жиддий киришилди.

Мавжуд ариқ-зовурлар, 70 километрдан зиёд узунликдаги коллектор қайта тозаланди. Техника воситалари бунда ўз кучини кўрсатди.

Ҳали баҳор эшик қоқиб улгурмасиданоқ, плёнка остига чигит қадаш, қўшқаторлаб экиш юзасидан тайёргарлик тадбирлари кўрилди. Экиш эса 15 апрелгача тўла ниҳоясига етказилди. Ҳар йилдагидан зиёд 250 гектар майдонга чигит плёнка остига экилди. Қўшқаторлаб экиладиган ерлар эса ўтган йиллардагидан қарийб тўрт марта зиёд бўлди.

“Гулистон”ликлар нафақат ўз ерларида экишни барвақт ва сифатли қилиб ниҳоясига етказдилар, балки М.Маматкаримов номли, “Остона” хўжаликларига ҳам яқин мададкор бўлишди. Уларнинг 200 гектардан зиёд майдонига чигит хўжаликнинг техникалари ёрдамида экилди.

Қўшқаторлаб экиш тўлиқ ниҳоллар ундириб олишда жуда муҳим аҳамият касб этди. Гектарига 80-85 минг тупдан ниҳол тўпланган майдонларда кўзни қувонтирадиган ҳосил тўпланди. Бу ерларда августнинг охирларида биринчи теримдаёқ 25 центнердан хирмон кўтарилди.

Йиғим-терим мавсуми бу йил хўжаликда табиий ва кўнгилли сафарбарликка айланди. Зеро, моддий манфаатдорлик туйғуси ҳамда хўжаликнинг олдингилар қаторига чиқиб олиш иштиёқи уларга куч ва ғайрат бахш этаяпти. Шу сабабли “Гулистон” вилоят ҳосил карвонида олдингилар қаторига чиқиб олди.

Хўжаликда пилла, буғдой, шоли тайёрлашда ўтган йиллардаги “доғ”ларни ювиш учун ҳам жиддий тадбирлар кўрилди. Бу борадаги шартномалар, режалар ҳам туманда, вилоятда олдингилар қаторида уддаланди.

Қиссадан ҳисса сифатида шу пайтгача эришилган, кутилаётган иқтисодий якунларга бир назар ташлаш мақсадга мувофиқ. Хўжаликда бу йил ўтган йилга қараганда пахтадан 18 миллионга, шолидан 5 миллионга, буғдой ва пилладан 3 миллионга яқин кўп даромад олинди.

Ўтган йили ғишт заводи атиги 1777 минг сўм фойда келтирган эди. Заводни таъмирлаш, узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш натижасида 10 миллион 100 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилди. Умуман олганда, хўжаликдаги умумий даромадлар бу йил 107 миллион сўмдан зиёд бўлади. Бу эса ўтган йиллардагидан 34 миллион кўп демакдир.

Қўл узайса, имконият ортади. Муаллимларнинг касб байрами, билимлар кунида хўжалик клубида 312 ўқитувчи бир пиёла чой атрофида кўнгилли тантанага тўпландилар. Уларнинг ҳаммасига совға-саломлар, мукофотлар берилди. Алоҳида ибрат кўрсатган мураббийларга туман ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

**Сотим АВАЗ.**

## ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

21-25 октябрь кунлари Қоҳира шаҳрида «Миср билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади. Шу муносабат билан, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мамдуҳ Шавқий оммавий ахборот воситалари вакилларига бўлажак анжуман ҳақида сўзлаб берди.

Мазкур анжуманни ташкил этишда Миср ҳукумати билан бир қаторда, БМТнинг тараққиёт дастури, Ислом тараққиёт банки, шунингдек, Мисрнинг миллий банки, товар ишлаб чиқарувчилар уюшмаси, тараққиёт жамғармаси ва бошқа кўплаб тузилмалар қатнашган. Конференция мобайнида ҳар бир иштирокчи мамлакат делегацияси вакили ўз юртида ишбилармонлик, сармоя ётқизиш имкониятлари ва шарт-шароити, эришилаётган ютуқлар, иқтисодий салоҳият ва юзага келаётган имкониятлар хусусида сўзлаши, хорижлик ва бошқа вакиллар билан бевосита мулоқотда бўлиши мумкин.

**(ЎзА).**


# «ТУРОН»

**АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БИРЛАШТИРУВ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

*БИЛДИРИШНОМА*

**ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!**

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини бажариш мақсадида 1998 йил 16 ноябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 44-уйда жойлашган «Турон» АТББнинг мажлислар залида, «Турон» Акциядорлик тижорат бирлаштирув банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлади.***

**КУН ТАРТИБИ:**

1. ***«Турон» акциядорлик тижорат бирлаштирув банки фаолиятининг 1998 йил 9 ойлик якунлари тўғрисидаги ҳисобот.***
2. ***«Турон» акциядорлик тижорат бирлаштирув банки Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.***
3. ***«Турон» АТББ Кенгаши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида.***
4. ***«Турон» АТББ Кенгашининг янги таркибини шакллантириш тўғрисида.***
5. ***Банкнинг ходимларини ишга ёллашнинг контракт тизимига ўтказиш тўғрисида.***
6. ***Банкнинг ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.***

**Қатнашчилар ва делегатларни рўйхатдан ўтказиш соат 9.00 дан бошланади.**

**Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 44, «Турон» АТББ. Телефонлар: (371) 144-33-94, 144-27-95, 144-30-44, факс: 144-33-94.**

LL@1086


# МУЛЛА БЎЛМА, СЎФИ БЎЛМА,

### Шайх Умар Боғистоний ўз ўғли Шайх Ҳованди

***Таҳририятдан: Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида “Шайхонтоҳурни биласизми?” деб номланган мақола эълон қилинганди. Ана шундан сўнг газетхонлар таҳририятга сим қоқиб, ушбу муборак зот ҳақида янада тўлиқроқ маълумот беришимизни сўрадилар. Қуйида мазкур мурожаатларга жавоб тариқасида шарқшунос олим Маҳмуд ҲАСАНИЙнинг мақоласи берилмоқда.***

Ўтмишда ёзиб қолдирилган манбаларга назар солсак, уларда минглаб олиму фузало ва шайху машойихларнинг номларини кўрамиз. Масалан, Жомийнинг “Нафаҳот”, Али Сафийнинг “Рашаҳот”, Тоҳир Эшоннинг “Тазкирайи нақшбандия” каби асарларининг ўзида минглаб уламолар ва фузалоларнинг таржимаи ҳоли берилган. Бу уламо ва машойихларнинг ҳар бири ўз даврининг маданий ва маънавий ҳаётида сезиларли из қолдирган кишилар бўлиб, покиза иймон ва эътиқод учун курашган, халқ ҳурмати ва эҳтиромига муяссар бўлган, халқни илму урфон билан қуроллантиришга, уларнинг комил инсон бўлиб етишувлари учун илми ва меҳнатини аямаган, ватан муҳаббати ва садоқатини кўнгилларига жо қилган, халқни ҳам шу нарсага тарғиб қилган инсон эдилар.Шайх Ҳованди Таҳур ҳам ана шундай олим ва фозил кишилар тоифасига киради. Бироқ, Шайх Ҳованди Таҳурнинг шахси билан яқинроқ танишиш учун сўзни унинг отаси Шайх Умар Боғистонийдан бошлаш керак бўлади.-Шайх Умар Боғистоний ўз даврининг йирик олими ва шайхи эди. Шайх сўзининг асл маъноси қария, кекса ёки пир демакдир. Бу сўз атама сифатида шариат ва тариқат илмларини кучли билган кишига нисбатан ишлатилади. Умар Боғистонийнинг шайх деган номга мушарраф бўлишининг ўзи унинг илму маърифатда юқори поғонада бўлганини кўрсатади.Шайх Умар Боғистонийнинг туғилган ва вафот қилган йиллари номаълум. Бироқ, у 698-1298 йилда вафот қилган шайх Ҳасан Булғорийга мурид бўлганини ҳисобга олсак, XIII аср иккинчи ярми ва XIY аср яримларида яшаган деб айтиш мумкин. Хожа Аҳрор Валийнинг муридларидан бири Фахруддин Али Сафийнинг “Рашаҳот” китобида ёзишича, Шайх Умар Боғистонийнинг насаби ўн олти восита орқали Абдуллоҳ ибн Умар ибн Ҳаттобга бориб етади. Авлиёликдаги шажараси эса Шайх Ҳасан Булғорий орқали Расулуллоҳга бориб тақалади.

Шайх Умарнинг пири Шайх Ҳасан Булғорий асли Озарбойжоннинг Нахчивон шаҳаридан бўлган. Шайх Ҳасан 23 ёшида душманлар қўлига асир тушади ва Дашти Қипчоққа олиб кетилади. Етти йил асирликда яшайди. 30 ёшида кучли жазабаға мубтало бўлиб, оламни кезишга тушади. Тўққиз йил Булғорда, уч йил Бухорода, йигирма етти йил Кормонда, бир йил Табризга қарашли Мароға деган жойда бўлади. 93 ёшида 698/1298 йили вафот этади. Қабри Табризнинг Сурхоб деган жойидадир.

Тошкент вилоятининг Боғистон қишлоғида туғилган Шайх Умар Боғистоний илм олиш ниятида Бухорога келади ва бу ерда Шайх Ҳасан Булғорий билан учрашиб, унга мурид бўлади. Шайх Умар Боғистоний уч йиллик хизмат ичида Ҳасан Булғорийдан таълим олади ва касбу камолот ҳосил қилади. У Шайх Ҳасан Булғорий қўлида авлиё даражасига еттани туфайли ўз пири каби шайх номини олишга мушарраф бўлади.

Шайх Умар Боғистоний диний ва дунёвий илмларни эгаллаб, тасаввуфда ҳам камолга етгандан кейин туғилган ватани Боғистонга қайтиб келади ва халқни роҳи ростга ва илму урфонга тарғиб қила бошлайди. У ҳалол ва ҳақгўй одам бўлиб, ўзининг халққа меҳрибонлиги ва илму маърифат жарчиси сифатида катта эътибор қозонади. Толибларга диний ва дунёвий илмлардан таълим бера бошлайди. Хоҳловчиларга эса тасаввуф ғояларини ўргатади. Натижада унинг ҳузурида толиби илмлар ҳамда сўфийликка интилувчилар кўпайиб боради. Шайх Ҳованди Таҳурнинг ўз отаси қўлида камолот касб этиши ва узоқ жойлардан одамларнинг Шайх Умар Боғистоний ҳузурига илм талаб қилиб келишлари фикримизнинг гувоҳидирки, бу маълумотлар “Рашаҳот”да мавжуд.

Шайх Умар Боғистоний камтарона ҳаёт кечириш билан одамларга ибрат эди. У деҳқончилик ва боғдорчилик ишлари билан шуғулланган ва ўз касби коридан ҳалол тирикчилик қилган. У катта мулла ёки катта сўфий бўлишни ўзига шараф деб билмаган ва шуҳрат орқасидан қувмаган. У оддий, бироқ ҳақиқий инсон бўлишга интилганки, биз буни ўз ўғли Ҳованд Таҳурга қилган насиҳатидан кўрамиз. “Рашаҳот” муаллифининг ёзишича, Хожа Аҳрор Валий ўз аждоди ҳисобланган Шайх Умар Боғистоний ҳақида ҳикоя қилар экан, унинг ўз ўғли Ҳованд Таҳурга нисбатан айтган қуйидаги сўзларини келтиради: Шайх Умар ўғли Таҳурга қарата: “Таҳур, мулла бўлма, сўфи бўлма, у бўлма, бу бўлма, мусулмон бўл”, деган эканлар.

Шайх Умар Боғистонийнинг бу сўзи олам-олам маъноларни ўз ичига олувчи ажойиб ҳикматки, нафақат ўша давр одамлари, балки бизнинг давримиздаги одамлар учун ҳам ибратлидир. Бу, олим бўлма, одам бўл мақолидаги мазмунни ўзида ифодалайди. Одам мулла бўлиши мумкин, аммо ўз илмига амал қилмаслиги мумкин. Бу Шайх Саъдийнинг “Илмига амал қилмаган мулладан устига бир қоп китоб ортилган эшак яхши”, деган сўзига мувофиқдир. Сўфи бўлма, деганда эса, биз кўплаб сўфилар ўтганини ва улар ўзларининг ғамлари билан яшаганларини кўрамиз. Риёкор сўфилар ҳақида ўтмишда алломалар ҳам, шоирлар ҳам кўп ёзишган. “Зоҳири сўфинамо, ботинида реву ранг” бўлган, ўзини сўфи қилиб кўрсатиб, халқни шилиш билан шуғулланганлар ҳам мавжуд бўлиб, Муқимийнинг:

*Бошларида гоҳи шапка,*
*гоҳи дастор авлиё,*
*Қўлларида тасбиҳу*
*бўйнида зуннор авлиё,*

деб бошланувчи ғазали ҳам шундай сўфиларга қаратилган эди. “У бўлма, бу бўлма, мусулмон бўл” жумласи эса ҳақиқий одам бўлишга ишора бўлиб, мусулмон одам покиза ва ҳалол ҳаёт кечиради, унинг кўнглида ёмонлик бўлмайди, одамларга яхшилик қилишни ўзи учун савоб деб билади. Халқ орасида ҳам, бирор ишда айёрликка йўл қўйган одамга қарата “мусулмонмисан?” деб қўядилар. Худди шу сўз билан боғлиқ бир воқеани эслатиб ўтиш ўринлики, Мирзо Улуғбек бир куни даврнинг йирик шайхи Мавлоно Низомуддин Хомушни саройга олдириб келади. Унга эса тухмат қилинган эди. Улуғбек Мавлонога қарата: “Сизнинг ўғлингиз кечалари бизнинг қалъамиз деворидан ошиб тушиб, фасод ишлар билан шуғулланаёттан экан” дейди. Низомуддин Хомуш унга: “Мен мусулмонман” деб биргина сўз билан жавоб беради. Улуғбек бошқа ҳеч нарса демай, Шайхни ўз уйига элтиб қўйишни буюради.

Демак, Шайх Умар Боғистоний ўз ҳаёти давомида мусулмонлик, яъни ҳақиқий инсонлик йўлини тутади ва буни ўғлига ҳам сингдиради.

Али Сафий “Рашаҳот”да Хожа Аҳрор Валийнинг Шайх Умар Боғистоний ҳақидаги яна бир ҳикоясини келтиради. Хожа Аҳрор Валийнинг айтишича, бир киши узоқдан Шайх Умар Боғистоний ҳузурига қўл бериш ва тариқатга кириш учун келибди. Шайх ундан: “Сен яшаётган жойда масжид борми?” деб сўрабди. У киши “ҳа” дегач: “Мусулмонлик аҳкомларини биласанми?” деб сўрабди. У киши “Ҳа” деб жавоб берибди. Шайх: “Ибодат жойи маълум, ибодат ҳукмлари равшан, демак сенинг бу ерга келишинг бефойдадир, қайт ва машғул бўл” деган экан.

Бу ҳикоядан ҳам Шайх Умар Боғистонийнинг ҳаёт тарзи кўриниб турибди. У одамларнинг йиллаб ота-она, қариндош-уруғ, хотину болаларидан узоқда юргандан кўра, ибодатини қилиб, меҳнатга қўл уриш, ризқу рўзини ҳалол топиб ейишга тарғиб этади.

Али Сафий Шайх Умар Боғистонийдан яна бир “Рашҳа”ни келтиради. Бу ҳам Хожа Аҳрор Валий тилидан ёзиб олинган бўлиб, шайх шундай деган экан: “Биз муридни ғайридан холий қиламиз ва жанобиаҳадиййатга нозир қиламиз, бунинг ҳаммасини қиламиз, аммо биз қилдик демаймиз”. Бу жумладан Шайхнинг, биринчидан, валоят қуввати намоён бўлади, бошқа томондан эса камтарлигини кўрамиз. У муридларни заҳмат билан тарбиялайди, меҳнатини ва вақтини аямайди, бироқ буни мен қилдим, демайди, яъни миннат ва манманликдан узоқда бўлади.

Шайх Ҳованди Таҳур юқорида зикр қилинган ана шундай пок оилада дунёга келди. Али Сафийнинг ёзишича, Шайх Ҳованд зоҳирий ва ботиний илмларнинг олими бўлган. Зоҳирий илмлар диний ва дунёвий илмлар бўлиб, ботиний илм эса сўфийлик илмларидир. “Ўз отасининг тарбияти ва иноятининг сояси остида, — деб ёзади Али Сафий, — вилоят аҳлининг олий даражасига етишди ва шунга қарамай, баъзи машойихларнинг суҳбатидан кўп фойдалар касб этди”. Демак, у ўз отасидан камолотга эришса ҳам, ўз илмини янада ошириш мақсадида машойихлар, чунончи, Хожа Аҳмад Яссавий авлодларидан ҳам илм ўрганишни давом эттирган.

